

# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
Буюк  
Давлат



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2010 йил 23 сентябрь, № 185 (5100)

Пайшанба

Ўзбекистон Республикасининг  
ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2010 йил 29 июлда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2010 йил 29 августда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **282-модданинг** иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги **4-банд** билан тўлдирилсин:

«4) суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари мажбурий ижро этилаётганда ўндирув гаровга қўйилган мол-мулкка қаратилган бўлса»;

2) **283-модданинг** биринчи қисми қуйидаги мазмундаги **5-банд** билан тўлдирилсин:

«5) агар гаровга олувчи ушбу Кодекс 282-моддаси иккинчи қисмининг 4-бандида назарда тутилган ҳуқуқдан фойдаланмаган бўлса, бундан гаровга қўйилган мол-мулк реализация қилинмаганлиги ва талаблари гаров билан таъминланмаган кредиторларнинг ўз талабларини қаноатлантириш учун мазкур мол-мулкни қабул қилишни рад этганлиги ҳоллари мустасно».

(Давоми 2-бетда).

Кеча пойтахтимиздаги

«Ўзқўргазмасавдо» мажмуида

«ICTExpo — 2010» аxbорот-коммуникация технологиялари миллий кўргазмаси ўз ишини бошлади. Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур тадбир бир пайтнинг ўзида Наманган ва Қарши шаҳарларида ҳам ташкил этилди.

«InfoCom — 2010»

Кўргазманинг очилиш маросимида таъкидланганидек, мамлакатимизда аxbорот-коммуникация технологияларининг ривожлантирилиши ва барча соҳаларда қўлланилиши иқтисодий тармоқнинг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда унинг жаҳон ҳўжалик тизимига интеграциялашувида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундан ташқари, аxbоротлаштириш аxbоротдан эркин ва тезкор фойдаланиш имкониятини таъминлаш орқали бошқарувнинг турли жабҳаларида, иқтисодийнинг давлат ва нодавлат секторидан давлат билан фуқаролар ўртасидаги ҳамкорликнинг кенгайишига хизмат қилмоқда. Аxbорот технологиялари ҳафталиги доирасида ташкил этилган ушбу кўргазма ҳам бу борадаги амалий саъй-ҳаракатларнинг яна бир ёрқин далилидир.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон — Буюк Британия:

## ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Мамлакатимизга ташриф буюрган Буюк Британия Парламентининг «Британия — Ўзбекистон» умумпартиявий гуруҳи раиси Жон Вейтерли раҳбарлигида делегация аъзолари 22 сентябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Илғизар Собиров билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги алоқалар кўнраб жабҳаларда, жумладан, парламентаризм соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бу йўналишдаги ҳамкорликни кенгайтириш учун икки томонда ҳам қўзиқиш катта экани ва кенг имкониятлар мавжудлиги алоҳида таъкидланди.

Мамлакатларимиз ўртасида имзоланган даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқларини тўлашдан бош тортишни бартарфи қилишга, инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва химоя қилишга, иқтисодий, таълим, фан ва маданият ҳамда хаво транспорти алоқаси, шунингдек, сайёҳлик соҳалари-

даги ҳамкорликка оид битимлар ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон ва Буюк Британия минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, Африқондаги вазиятни барқарорлаштириш масалаларида кўп томонлама асосда ҳам ҳамкорлик қилиб келаётир.

Ўзбекистон ва Буюк Британия катта иқтисодий салоҳиятга эга давлатлардир. Ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларни изчил ривожлантириш ҳамда икки мамлакат ишбилармонлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида 1994 йилда ташкил этилган Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон — Буюк Британия кенгаши мажлислари мунтазам ўтқа-

зиб келинаётганини алоҳида қайд этиш жоиз. Бу ҳамкорликни ривожлантиришдан икки томон ҳам манфаатдор эканидан далолатдир.

2009 йили мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 173,7 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Юртимизда британиялик сармоядорлар билан ҳамкорликда тузилган 200 га яқин қўшма корхона, Буюк Британиядаги 50 дан зиёд фирма ва компаниянинг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасида маданӣ-гуманитар алоқалар ҳам изчил раванг топтомоқда. Хусусан, пойтахтимизда 2002 йили ўз фаолиятини бошлаган Тошкент Халқаро Вестминстер университети таълим соҳасидаги ўзаро ҳамкорлигимизга ёрқин мисол бўла олади. Шунингдек, турли халқаро ва жамоат ташкилотлари доирасида ҳам фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган.

(Давоми 2-бетда).

## МОЛИЯВИЙ ЛОЙИХАНИНГ ЮКСАК НАТИЖАЛАРИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида Истиклол йилларида банк тизими тубдан такомиллаштирилиб, халқаро талабларга тўла жавоб берадиган барқарор тизимлардан бирига айланди. Тижорат банклари капиталининг етарлилик даражаси ниқоятда юқори эканлиги, бунга жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини деярли таъсир кўрсатмагани мазкур соҳанинг мустаҳкам химояси яратилганидан далолат беради, албатта.

Айни шу жиҳат халқаро микросда эътироф этилиб, дунёнинг нуфузли молия муассасалари республикамиз банклари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилишида муҳим омил бўлмоқда. Бунга Ўзбекистон Республикаси Давлат тижорат Халқ банкни билан Германия Халқаро ҳамкорлик бўйича омонат кассалари ҳамғармаси ўртасида рўйбга чиқарилаётган лойиҳа яққол мисол бўла олади.

Ҳап шундаки, икки давлат ҳукуматлари ўртасида имзо-

ланган Келишув баённомасига кўра, 2003 йил 6 июнда Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкни ва Германия Халқаро ҳамкорлик бўйича омонат кассалари ҳамғармаси томонидан қўшма лойиҳа имзоланди. Етти йилга мўлжалланган мазкур лойиҳа доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, замонавий хизматлар кўлами-

ни ошириш, хизмат кўрсатиш даражасини халқаро талабларга мослаштириш ва ходимлар малакасини юксалтириш каби вазифаларни бажариш кўзда тутилган эди.

**Анжуман**

Лойиҳа иштирокчиларининг айтишича, ўтган давр мобайнида белгиланган мақсад-муддога тўла эришилди. Бу ҳақда кеча Тошкентда қўшма лойиҳа аюнларига бағишлаб ташкил этилган анжуманда батафсил сўз юритилди.

(Давоми 2-бетда).

## КАСАНАЧИЛАР САФИ ТОВАРА КЕНГАЙТИРМОҚДА

Жорий йилнинг биринчи ярми ҳолатига кўра, мамлакатимизда

300 минг нафардан ортиқ киши касаначилик билан қамраб олинди.

Жойларда ҳўжалик бишламалари негизда кооперация алоқаларини йўлга қўйиш, хунармандчилик ва халқ хунармандчилигини кенгайтириш орқали касаначиликни янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши туфайли ана шундай ижобий натижага эришилди.

Тошкентда давом этаётган «Марказий Осиё саноат ҳафталиги — Central Asian Industrial Week» халқаро форуми доирасида «Энергетика — 2010: инновациялар, ечимлар ва истиқболдаги вазифалар» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

## ЭНЕРГЕТИКЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ФОРУМИ

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг «Ўзувэнерго» иктисослаштирилган бишламаси, «TE Uzbekistan», «I.T.E. Exhibition & Conferences Ltd.» (Буюк Британия) сингари компаниялар ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда қарийб йигирма мамлакатдан юзга яқин олим ва мутахассис иштирок этди.

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси энергетикани ривожлантириш истиқболлари бошқармаси бошлиғи Р. Ортиқов мамлакатимизда Президент Исрол Каримов раҳамоллигида амалга оширилаётган изчил ислохотлар иқтисодийнинг қўллаб-қувватлаш, жумладан, энергетика саноатини янада ривожлантиришда муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлади. Юртимизда электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмининг ошириш, янги қувватларни ишга тушириш борасида салмоқли мутаваффаиятларга эришилмоқда.

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси 54 корхона ва ташкилотни ўзига бишлаштираган. Компания томонидан 2011 йилгача ўз корхоналари, ҳўжалик субъектлари ва янада истеъмолчиларнинг электр энергияси истеъмолини хисобга олиш ҳамда назорат қилиш бўйича автоматлаштирилган тизимни жорий этиш кўзда тутилган. Компаниянинг «2011 — 2015 йилларда

электр энергетика тармоғини устувор ривожлантириш» дастурига асосан, энергияни техаш, ёқилги-энергетика ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, энергия ишлаб чиқаришдаги янги технологияларни жорий этиш ва соҳада халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Жанубий Корейнинг «Doosil» компанияси билан ҳамкорликда Чорвоқ сув омбори худудида баландинги қирқ метрга тенг анемометрик макта қурилди. Қурилманинг ишга туширилиши билан йилгача қўшимча равишда соатида 2,3 миллион киловатт электр энергияси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу йилгача етти юз минг куб метр табиий газни техаш имконини беради.

Айни пайтда «Ўзбекэнерго» Европа кўмитасининг «Электр стандартларини уйғунлаштириш» халқаро лойиҳасида фаол иштирок этмоқда. Лойиҳага кўра, мамлакатимиз электр энергетика соҳасида иқлим шароитимизга мос техник регламентлар ва тегишли стандартлар ишлаб чиқилди. Бу юртимиз электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш, сотиш ҳамда истеъмол қилиш борасида хавфсизликни оширишни кўзда тутди.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикасининг  
ҚОНУНИ

## Пиротехника буюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2010 йил 22 июнда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2010 йил 28 августда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-ХII-сонли Қонун билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Аxbоротномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар) қуйидаги мазмундаги **250-модда** билан тўлдирилсин:

«**250-модда.** Пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи

Пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, худди шунингдек уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш) ёки ўтказиш анча микдорда ёхуд шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, — энг кам ойлик иш ҳақининг элли бараваридан юз бараваригача микдорда жарама ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамқоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, худди шунингдек уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш) ёки ўтказиш:

- кўп микдорда;
- бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- такоран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- мансаб мавқенини суистеъмол қилиш йўли билан содир этилган бўлса;
- баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, — энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача микдорда жарама ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ  
ШАРҲИ

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда.)

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги 258-II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 169-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда, № 12, 598-модда; 2008 йил, № 4, 184, 187-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) 23-модданинг учинчи қисми қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин: «Суднинг жарима тартиқасида жазо тайинлаш тўғрисидаги ҳужми асосида берилган ижро варақаси бўйича ижро иши юритиш қўзғатиладганда уни икतिёрли равишда ижро этиш Ўзбекистон Республикаси Жиноят-иқроия кодексининг 19-моддасида белгиланган муддатларда амалга оширилади»;

2) 51-модданинг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин: «Қарздорнинг бошқа мол-мулки унга нисбатан қўйилган гаров билан таъминланмаган талабларни тўлиқ қаноатлантириш учун етарли бўлмаса, гаровга олувчининг белгиланган ҳуқуқларига, шунингдек ушбу Қонуннинг 6-бобидан назарда тутилган қондаларга риоя этилган ҳолда ундирув гаровга қўйилган мол-мулкка қаратилиши мумкин. Гаровга қўйилган мол-мулк хатлаб қўйилганда суд ижросини хатлаш амалга оширилганидан кейин уч кунлик муддат ичида бу ҳақда гаровга олувчига билдиришнома юборилади».

Гаровга қўйилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган сумма мазкур мол-мулкка ундирув қаратилиши, унинг реализация қилиниши муносабати билан қилинган ҳаражатларнинг ўрнини қоплаш учун зарур суммалар ушлаб қолганидан ва кредиторларнинг гаров билан таъминланган ундирувга қаратилган талаблари қаноатлантирилганидан кейин ушбу Қонунда белгиланган тартибда тақсимланади.

Агар гаровга қўйилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган сумма кредиторларнинг гаров билан таъминланган талабларини тўлиқ қаноатлантириш учун етарли бўлмаса, у ҳолда мазкур талабларнинг қолган қисми ушбу Қонуннинг 80-моддасида белгиланган навбатда қаноатлантирилади.

Агар ундирув гаровга қўйилган мол-мулкка гаровга олувчининг талабларини қаноатлантириш учун қаратиладган бўлса, у ҳолда ундирув қарздорнинг бошқа мол-мулки

бўлишидан қатъи назар, биринчи навбатда гаровга қўйилган мол-мулкка қаратилади»;

3) 54-модда тўртинчи қисмининг иккинчи жумласи чиқариб ташлансин;

4) 80-модданинг тўртинчи ва бешинчи қисмлари қуйидаги тахрирда баён этилсин: «Тўртинчи навбатда кредиторларнинг гаров билан таъминланган талаблари қаноатлантирилади. Бешинчи навбатда кредиторларнинг гаров билан таъминланмаган талаблари қаноатлантирилади».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 4 октябрда қабул қилинган «Ипотека тўғрисида»ги ЎРК-58-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 535-модда) қуйидаги мазмундаги 28I-модда билан тўлдирилсин:

«28I-модда. Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари мажбурий ижро этилаётганда ундирувчи гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш оқибатлари

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари мажбурий ижро этилаётганда ундирув гаровга қўйилган мол-мулкка қаратилган тахрирда, суд ижросини гаровга қўйилган мол-мулк хатлаб қўйилганидан кейин уч кунлик муддат ичида бу ҳақда ипотекага олувчига хабарнома юборилади. Бунда ипотекага олувчи ипотека билан таъминланган мажбуриятнинг муддатидан илгари бажарилишини талаб қилишга, агар унинг талаби қаноатлантирилмаса, ундирувчи гаровга қўйилган мол-мулкка қаратишга ҳақли. Агар ипотекага олувчи ушбу ҳуқуқдан фойдаланмаган бўлса, ипотека тугатилади, бундан гаровга қўйилган мол-мулк қиммати савдосида реализация қилинмаганлиги ва талаблари гаров билан таъминланмаган кредиторларнинг ўз талабларини қаноатлантириш учун мазкур мол-мулкни қабул қилишга рад этганига ҳоллари мустасно».

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қўлга кирилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ  
Тошкент шаҳри,  
2010 йил 22 сентябрь  
№ ЎРК-260

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Пиротехника буюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, худди шунингдек уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш) ёки ўтказиш:

а) жуда кўп миқдорда;  
б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса;  
в) одам ўлишига сабаб бўлса, — беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, худди шунингдек уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш) ёки ўтказиш:

а) одамлар ўлимига;  
б) бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, — саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгагининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164,

165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар; № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги 185I-модда билан тўлдирилсин:

«185I-модда. Пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи

Пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, худди шунингдек уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш) ёки ўтказиш — ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) 245-модданинг биринчи қисми «185» рақамидан кейин «185I» рақами билан тўлдирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «Амалга оширилиши учун лицензия талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги 222-II-сонли Қарорига 1-илова (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 6-7, 105-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 323-модда, № 9, 416-модда; 2009 йил, № 9, 330-модда) қуйидаги мазмундаги етмиш учинчи хатбоси билан тўлдирилсин:

«Пиротехника буюмларини (ҳарбий мақсаддаги маҳсулотлардан ташқари) яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш, улардан фойдаланиш, уларни йўқ қилиш ва утилизация қилиш».

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қўлга кирилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ  
Тошкент шаҳри,  
2010 йил 22 сентябрь  
№ ЎРК-261

Ўзбекистон — Буюк Британия: ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

2009 йили ташкил топган «Британия — Ўзбекистон» парламент гуруҳи фаолиятининг устувор йўналишларини икки мамлакат ўртасида турли ташкилот ва идораларнинг ҳамкорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантириш, парламентларо мулоқотни таъминлаш ва бу борада ўзаро ахборот ва тажриба алмашувини фаоллаштириш, минтақавий ҳавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, сиёсий алоқалар ҳамда савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтиришнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини мустаҳкамлаш, минтақавий ва глобал энергетика ва сув ҳавфсизлиги муҳимлигини тарғиб этиш ҳамда маданий алоқаларни кенгайтиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жорий йилнинг 19 сентябрь кунини Нью-Йоркка сафари давомида Буюк Британия пойтахти Лондонда тўхтаб ўтди ҳамда «Британия — Ўзбекистон» жамияти раиси, Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон — Британия кенгаши ҳамраиси Хартли Бут ва «Британия — Ўзбекистон» умумпартиявий парламент

группи раиси Жон Вейверли билан учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларга, парламентларо алоқаларга доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида бўлган учрашувда томонлар парламентларо ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар. Мехмонларга Ўзбекистоннинг икки палатали парламентини фаолияти тўғрисида сўзлаб берилди.

Учрашув кунинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Буюк Британия Парламенти билан ҳамкорлик бўйича гуруҳи ҳамда Буюк Британия Парламентининг «Британия — Ўзбекистон» умумпартиявий гуруҳи ўртасида англашув меморандуми имзоланди. Мазкур ҳужжат мамлакатларимиз ўртасида парламентаризм алоқаларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муносабатларни жадал тараққий этишини кўзда тутди.

— Парламентаризм соҳа-



ЗАМОНАВИЙ, ТЕЗКОР ВА ҚУЛАЙ

ахборот-коммуникация технологияларининг энг сўнгги ютуқлари «ICTExpo — 2010» миллий кўргазмасида намойиш этилмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ушбу тадбирнинг муҳим жиҳати шундаки, у соҳада эришилган ютуқлар, энг сўнгги янгиликларни намойиш этиш орқали кўргазма катнашчилари учун ҳамкорлар орттиришга ҳам имкон яратди.

Кўргазмада Ўзбекистон, Корея Республикаси, Хитой, Германия, АКШ каби бир қанча давлатларнинг тизимли интеграция, мобил алоқа компаниялари, интернет-провайдерлар, телекоммуникация ҳамда компьютер ускуналарини ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи

150 дан ортиқ компаниялари ўзларининг 200 га яқин турдаги маҳсулотлари билан иштирок этмоқдалар.

— Бу гаги тадбирда компаниямиз юқори сифат ва тезликка эга «4G» форматдаги мобил узатиш тизимини намойиш этапти, — дейди «МТС» савдо белгиси остида хизмат кўрсатувчи «Удунробита» корхонасининг маркетинг департаменти директори Бобир Назаров. — Ушбу тизим соҳасига 100 Мб тезликка ишлайди. Бу эса мобил алоқа воситаси орқали телеканаллар ва фильмларни

юқори сифатда кўриш ёки бирор файлни жуда тез суръатда кўчириб олиш имконини беради.

Мазкур тадбир бир вақтнинг ўзида Тошкент, Наманган ва Қарши шаҳарларида ўтказилаётгани бос, учала кўргазма залига онлайн-видео тизими ўрнатилди. Бу тадбир буюрлуқларнинг барча маҳсулотлар билан яқиндан танишишларида кўп қўлмоқда. Кўргазма доирасида давра сўхбатлари, анжуманлар, маҳорат дарслари ва яна кўплаб кўнгилочар лоийҳаларнинг таъмиқлаштирилиши иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотаяпти. Жумладан, Бар-

камол авлод йили муносабати билан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан ёшларнинг ахборот технологияларидаги маҳоратини оширишга қаратилган тадбирлар ўтказилди. Олий ўқув юртлири талабалари ўртасида «ICT-STUDENTS» компьютер спортти бўйича университетлар ақцияси шулардан биридир.

«Сълтатб ўтамиз», «ICTExpo — 2010» кўргазмаси 24 сентябр қадар давом этади.

Омонулла ФАЙЗИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

ЭНЕРГЕТИКЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ФОРУМИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Конференцияда «Ўзбек-энерго», «Узувэнерго» ва Россиянинг «Неуhaus» каби энергетика компаниялари раҳбарлари ва мутахассисларнинг энергетика саноатини ривожлантириш, соҳага илгор технологияларни жорий этиш, тармоқларни модернизация қилиш, ҳамкорликда янги лоийҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, сармоя жалб қилишга доир маърузалари тинланди.

Анжуманда қайд этилганидек, бугунги кунда Ўзбекистон энергия тизими иқтисодиёт тармоқлари ва мамлакатимиз аҳолисининг электр энергияга бўлган аҳтиёжини тўлиқ таъминлаб, уни экспорт қилаётган. Электр энергетикаси соҳасида олиб борилаётган ислохотлар жаҳон энергия ресурслари бозорига дадил кириб бораётган мамлакатимиз ёқилиш-энергетика тармоғини янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Нодир МАНЗУРОВА,  
ЎзА мухбири.

МОЛИЯВИЙ ЛОЙИХАНИНГ ЮКСАК НАТИЖАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бундан ташқари, хотин-қизлар учун мустақил ахборот-маълумат маркази очилгани, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ўқув марказлари иш бошлагани айни мудоаа бўлди.

— Германия халқро ҳамкорлик бўйича жамғарма қассаларининг фонди мазкур лоийҳани Халк банки билан амалга ошириш қарорига келгани бежиз эмас, — дейди Ушбу банк бошқаруви раиси ўринбосари Худойназар Қурбонов. — Чунки Халк банки мамлакатимизда энг кен тарқалган ва энг кўп филиалларига эга молия муассасаси бўлиб, у университет банк хизматлари кўрсатади. Айни шу жиҳат лоийҳани муваффақиятли амалга ошириш имконини беради.

Лоийҳанинг яна бир йўналиши — Германия молия тизимида тўпланган илгор тажрибаларни амалиётга жорий этиш бўйича ҳам республикамизда муайян ишлар бажарилади. Жумладан, мазкур мамлакат банкларининг илгор ютуқлари асосида 38 та намунавий филиал ташкил қилиниб, улар энг замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Бу ерда фаолият юритаётган 150 нафар ходим эса хорижда малака ошириб қайтди.

Халк банкда лоийҳа шарофати билан яна бир янгиликка қўл урилди. Чечка кишлоқлар аҳолисига замонавий банк хизматлари кўрсатишга мўлжалланган 5 та махсус жиҳозланган кўшма филиал ташкил этилди.

— Кўшма лоийҳа доирасида амалга оширилган ишлар ҳамкорлигимизнинг янги босқичини бошлашга мустақил замин яратди, — дейди Германия Халқро ҳамкорлик бўйича омонат қассалари жамғармаси бошқаруви раиси, доктор Холгер Бернт. — Негаки, шу йили йўналиши кўпайган лоийҳа муваффақиятли рўйга чиқарилди. Шуни инобатга олиб, Халк банки билан алоқаларни келгусида ҳам давом эттириш ниятдамыз. Аниқроқ қилиб айтганда, биз тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш, аҳоли жамғармаларини банкка жалб этиш, микросуғурта фаолиятини йўлга қўйиш каби йўналишларда иш олиб борамиз.

Шу кунги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Акбарова билан ҳам музокара ўтказди.

Соид РАҲМОНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

ИННОВАЦИЯЛАР — ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

Мамлакатимизда илмий тадқиқотлар самарадорлиги, яъни инновацияларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги ролини оширишга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Бу, ўз навбатида, маҳсулотларнинг рақобатбардорлигини ошириш, таннархини пасайтириш, энергия сарфини камай-тириш, инвестиция оқимини кўпайтириш ҳамда янги бозорларни вуқудга келтириш имконини бермоқда.

Албатта, бунга осонлик билан эришилаётгани йўқ. Истиқлол йилларида соҳанинг ҳуқуқий асоси яратилгани ҳамда замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, тақомиллаштирилиб борилаётгани бундай ютуқлар омили бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистонда саноат мулкни бозорини яратишга оид 8 та давлатларро, 10 та ҳукуматларро ва 17 та идораларро шартнома ва битимлар имзолангани, 5 та қонун, умумжаҳон характериға эга бўлган 15 та меъёрий ҳужжат ва 140 дан зиёд норматив ҳужжат қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилаётгани ҳам шундан далолат бериб турибди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Президентимизнинг 2006 йил 7 августдаги «Фан ва технологиялар ривожланишининг мувофиқлаштириш ва бошқаришни тақомиллаштириш

чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2008 йил 15 июлдаги «Иновация лоийҳалар ва технологияларни ишлаб чиқа-

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

ришга татбиқ этишни рағбатлантириш бораисидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2009 йил 12 мартдаги «2009 — 2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технология қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лоийҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарорлари эса бу борада янги босқични бошлаб берди. Яъни ушбу ҳужжатлар асосида юртимизда инновациялар гоялар, технология ва лоийҳаларни яратиш, уларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишининг яқлит тизими яратилди ҳамда илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасида мустақам ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди.

чунки миллий мақсаддаги маҳсулотлардан ташқари) яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш, улардан фойдаланиш, уларни йўқ қилиш ва утилизация қилиш».

Зокир ХУДОЙСУКUROV.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Тўрт минг йиллик топилма

Перу шимолда олиб борилган археологик қазилмалар чоғида иккита маданий ёдгорликка дуч келинди, дея хабар тарқатди "Ассошиэтед пресс" ахборот агентлиги.



Мутахассисларнинг фикрича, тўрт минг йиллик тарихга эга мазкур топилмалар мамлакат худудида аниқланган шу турдаги янги топилма ичида энг қадимий бўлиши мумкин. Қазилмалар чоғида археологлар дастлаб ҳар бир бўлагининг вазни 200 килограммга тенг бўлган улкан тош деворга мутахассислар жалб этилди.

Хунрезлик оқибати

Эрон шимол-ғарбдаги Меҳобод шаҳрида мудҳиш воқеа содир бўлди.

"Рейтер" ахборот агентлиги хабарига кўра, бу ерда юз берган кучли портлаш беғуноҳ инсонларнинг умрига зомин бўлди. Хунрезлик оқибатида тўққиз киши ҳаётдан кўз юмган, ўнлаб одамлар эса тан жароҳати олган. Жабрланганларнинг аксарияти аёллар ва болалардан иборат. Ҳозирча портлаш ким томонидан ва нима мақсадда амалга оширилган, аниқ эмас. Суриштирув ишлари олиб борилмоқда.


Энг қиммат уй сотувда

Дунёдаги энг қиммат уй ҳисобланган "Беверли-хаус" сотувга қўйилди.

Лос-Анжелес шаҳрида жойлашган мазкур дангиллама ҳовли кўчаси мулк савдоси билан шуғулланувчи миллиардер Леонард Россага тегишлидир. АҚШ матбуотининг ёзишича, унинг асл баҳоси 165 миллион АҚШ доллари тенг бўлса-да, соҳиби уни 95 миллионга ҳам сотишга рози. Бунга эса жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози тўғрисида кўчма мулк баҳосининг пасайиб кетгани сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, қадимий услубда бунёд этилган мазкур уйда "Чўқинтирилган ота" ва "Тансоқчи" каби машҳур фильмлар суратга олинган.

Нефть қудуғи ёпилади

"Бритиш Петролеум" компанияси Мексика кўрфазидagi ҳалокат юз берган нефть қудуғини бутунлай ёпишга қарор қилди.



Шу боис кунди кеча уни беркитиш ишлари бошланди. Бу тадбирлар компаниянинг малакали муҳандислари томонидан олиб борилмоқда. Жорий йилнинг 22 апрель кунди мазкур қудуқда содир бўлган портлаш тўғрисида қарийб беш миллион баррель нефть уммон юзига тарқалиб кетгани аниқ. Оқибатда Мексика кўрфазидagi кўлаб турдаги денгиз жониворлари ҳаёти хавф остида қолди. Талафотларни бартараф этиш мақсадида бир неча миллионлаб доллар сарфланди.

Сут ичига яширилган ажал

Италиялик божхоначилар катта миқдордаги портловчи моддаларнинг мамлакат худудига олиб кирилишига йўл қўйишмади, дейилди "Франс пресс" ахборот агентлиги хабарига.

Гексоген номли ушбу моддалар сут кукун жойланган контейнерлар ичига яширилган ҳолда Суриядан Эрон орқали Калифорния вилоятидаги Жойа Тауро портига келтирилган. Ҳозирча мазкур моддалар кимга тегишли эканлиги аниқ эмас. Хуқуқ-тартибот идоралари эса бу қинғирлик мамлакатда фаолият олиб бораётган жиноий гуруҳлардан бирининг иши, деган тахминни илгари сурмоқда.

Хориз матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

САРМОЯЛАР ФАРОВОНЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларини ривожлантириш, аҳолининг иқтисодий-ижтимоий аҳолини янада яхшилаш борасида беқиёс янгиланишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, бугунги кунда республика-мизда кредит уюшмалари тизими тараққиётига катта эътибор қаратилаётгани иқтисодий ўсиш суръатларининг муттасил ошиб боришида ўзига хос аҳамият касб этмоқда.

тижаларига кўра, аҳолига 12,0 миллиард сўмлик кредит ажратилди. Яъни ҳозирда кредит хизматларидан ўртача 6 минг киши фойдаланмоқда. Бир киши учун ажратилган кредитларнинг ўртача миқдори эса 2 миллион сўмни ташкил

лоийҳалар эълон қилинди ва уларга 150 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредитлар берилди.

Уюшмада ёшлар учун кам фоизли "Талаба" таълим кредитлари таъсис этилганлиги ота-оналар учун ҳам, ёшлар учун ҳам қўлайликти. Баркамол авлод йили муносабати билан эса талабалар учун "Ишонч" стипендияси жорий қилинди.

Уюшмада юқори сифатли хизмат кўрсатилаётгани, яратилаётган қўшимча қўлайликлар аъзолар сонининг кўпайишига олиб келмоқда. Масалан, сўнгги йилларда депозит хизматидан фойдаланувчиларнинг 80 фоизи янги аъзоларга тўғри келганлиги бунинг исботидир. Шу муносабат билан мазкур муассаса-

Жиззах вилоятидаги "Ишонч" кредит уюшмаси ҳам миқозларга намунали хизмат кўрсатаётган ана шундай молия муассасаларидан биридир. Мазкур кредит уюшмаси ўз атрофида 14000 дан зиёд аъзоларни бирлаштириб, уларнинг иқтисодий-ижтимоий аҳоли янада яхшиланишига яқиндан кўмак берапти. Зеро, уюшма кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар ҳамда ёшларга амалий ёрдам кўрсатиш борасида барқарор фаолият юритмоқда.

дотлар мониторинги шуни кўрсатмоқдаки, аъзоларнинг эҳтиёжига кўра, турли соҳаларни молиялаштириш натижасида шу кўнга қадар кредит олиш учун мурожаат қилганларнинг аксарияти бугунги кунда уюшма омонатчиларига айланган. Бу аҳолининг бизнесда муваффақиятли натижаларга эришаётганидан далолатдир. Негаки, бугун берилаётган кредит маблағлари хусусий ва оилавий тадбиркорлик, тижорат ҳамда умумий оқватланиш, қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш, истеъмол ва ижтимоий эҳтиёжларга сарфланмоқда.

Жараён

этаяпти. Натижада кредитлардан мақсадли фойдаланиш авазига ҳар йили минглаб аҳоли иш билан таъминланаётган.

— Аҳоли талабини қондириш мақсадида кредитларнинг фоиз ставкалари босқичма-босқич тушириб борилаётти, — дейди "Ишонч" кредит уюшмаси бошқаруви раиси Сайёра Ҳамдамова. — Бугунги кунда янгидан-янги имтиёзлар, имкониятлар жорий этилиб, фермер хотин-қизлар, шунингдек, кам таъминланган оилалар, жисмоний имкони-яти чекланган ёшлар учун ижтимоий

да аҳолининг бўш пул маблағларини жалб қилиш авазига катта миқдордаги кредит ресурслари яратилаётти. Ва ушбу молиявий ресурслар халқ хўжалигининг турли жаҳаларига йўналтирилиб, жамият фаровонлигига хизмат қилмоқда.

"Ишонч" кредит уюшмаси ижтимоий ҳаётнинг фаол иштирокчиси сифатида аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга, уларга ҳомийлик ёрдамини кўрсатишга баҳоли қудрат ҳаракат қиляпти. Жорий йилда уюшма томонидан эҳтиёжманд оилаларга, ногиронларга, шунингдек, руҳий касалликларга диспансери, кўзи оқизлар жамияти, 29-Меҳрибанлик уйи, Мурувват уйи, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими каби ташкилотларга, жами 50 миллион сўмликдан зиёд хайрия ёрдами кўрсатилди.

Мухтасар айтганда, мазкур кредит уюшмаси жамоаси мамлакатимизда ҳар жаҳада амалга оширилаётган ишлохотларга ўзининг муносиб улушини қўшган ҳолда, юрт фаровонлиги, аҳоли дастурхони тўқинлигини таъминлаш йўлида сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқда.

Б. САТТОНОВ

Ҳурматли юртдошлар!



«АСАКА» банки (ОАЖ)

сизларни ўҚИТУВЧИЛАР ва МУРАББИЙЛАР КУНИ билан табриклайди ва куйидаги янги, муддатли омонат турларини таклиф этади.

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТ

«САРМОЯ»

Сақланиш муддати — 1,5 ой, омонат бўйича йиллик 25% ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугаганда (1,5 ойдан сўнг) берилади.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТ

«ФАВОРИТ» — АҚШ доллари

Сақланиш муддати — 4 ой, омонат бўйича йиллик 10% ҳисобланади. Омонатнинг хоҳишига кўра, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки ёпилганда (4 ойдан сўнг) берилади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Table with 4 columns: Branch Name, Phone, Fax, and another phone number. Lists branches across various cities in Uzbekistan like Toshkent, Bukhara, Samarkand, etc.

«АСАКА» БАНКИ (ОАЖ) САРМОЯНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИ ВА КЎПАЙИШНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.

Хизматлар лицензияланган.

БАРЧА ОМОНАТЛАР ФУҚАРОЛАРИНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
• маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
• эгаллик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
• миқдори чекланмаган.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 232-11-15, 236-09-25.

Advertisement for «ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚҚ. Features products like «СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ КУВУРЛАР», «ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ КУВУРЛАР», «ПУЛАТ КУВУРЛАР», «Тўғри бурчак кесимдаги ПУЛАТ КУВУРЛАР», «ПРОФНАСТИЛ», «ИЙМА ПАРКЕТ», «КАРВИД».

Advertisement for SONATA car. Includes text: «Уз йўлингни танла!», «Drive your way», «Кафолат — 2 йил ёки 50 000 км.», «МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН», «HYUNDAI Official Partner», «www.hyundai.com.uz», «Tel. (8-371) 250-11-11».

1 октябрь — Ҳукуматчилар ва мураббийлар куни

**Т**аҳририятимизга ҳар куни ўнлаб хатлар келади. Ушбу хатлар орқали юрдошларимиз ўзларининг дил сўзларини изхор этишади. Ватанга муҳаббат, ёшларга кўрсатилаётган эътибордан мамнулик ҳисси, тинч-осойишта ҳаётимизни қадрлаш борасидаги мушоадалар билан танишиб, беихтиёр дил яйрайди. Мана, кўлимизда яна бир мактуб. Унинг муаллифи Зиёдулла Санаев. Нарпай туманидаги 52-мактабнинг директори. Ҳукуматчиларнинг таҳририятимизга йўллаган дил изхориди шундай сўзлар бор: "Ёш авлодни барқамол этиб тарбиялаш, таълим тизимига эътибор қаратиш давлатимиз сийёсати даражасига кўтарилди.

ўсмирлар ва болалар ташкил этади. Шунинг учун ҳам Президентимизнинг бевосита раҳнамолигида ишлаб чиқилиб, амалга оширилаётган Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни мустақилликнинг ilk даврларидаёқ мамлакатимизда таълимни ривожлан-

мизда: "Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил", деган нақл бор. Айрим мамлакатларда рўй бераётган бу каби турли-туман воқеалар қалбимизда шукронга тўйғулари уни юғотилади.

Зеро, юртимиз мустақилликни қўлга киритганига 19 йил бўлди. Ҳаётимиздаги ижобий ўзгаришлар, кун сайин кўзимизни қувонтираётган ён-атрофдаги янгиликлар ҳақида ҳаммамиз фахрлиб гапиришни яхши кўрамиз. Айниқса, буюк келажақ қуришда мактабларимизга кўрсатилаётган юксак эътибор ҳар бир ўзбекистонликни гурурлантирмақда. Бунинг боиси бор. Фарзандлари камолни юртнинг ёрқин келажакдан айрича тасаввур қилмайдиган кишидагина мана шундай гурур, ифтихор бўлади.

Кўз олдимиздан кетгани йўқ, илгари чекка қишлоқларимизда мактаб, деганда кўримсиз ва қаровсиз, полсиз биноларни тасаввур қилдик. Айрим тоғли қишлоқларимизда истиқлол арафасида ҳам болалар ерда ўтириб сабоқ олишган. Энди эса манзара ҳам, тасаввур ҳам тамоман ўзгача: фарзандларимиз энг кўркам ва замонавий услубдаги биноларда, ёруғ ва шинам синфхоналарда ўқийтилар. Буларнинг барчаси Истиқлол аталмиш кутлуг нёзъат ва Президентимизнинг гамўушлиғи шарофатидандир, албатта!

Бу сай-ҳаракатлар натижаси ўларок, келажакка интилган, кўзлари чакнаб турган, замонавий дунёқараш эгаси бўлган, хорижий тилларни пухта биладиган ёш авлод ҳаётга кириб келмоқда. Президентимиз катта гурур билан таъкидлаганларидек: "Кимки бизнинг ишимизга баҳо бермоқчи бўлса, ана шу ёшларга, уларнинг онги ва дунёқарашига боқсин!.."

Мақсуд ЖОНИХОНОВ.

2010 йил — Барқамол авлод йили



Истиқлол йилларида мамлакатимизда тиббиёт соҳаси тубдан ислоҳ қилинди. Натижада ушбу тизимда нафақат замонавий технологиялар жорий қилинди, айни пайтда хизмат кўрсатиш сифати ҳам яхшиланди. Бундай имконият ва имтиёزلардан фойдаланаётган Навоий вилояти соғлиқни сақлаш тизими мутасаддилари ҳам инсон саломатлигини асраш борасида бир қатор ибратли ишларни амалга оширмақдалар.

## ФАРЗАНДАР Саломатлиги йўлида

Айниқса, вилоятда болалар саломатлиги муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳада амалга оширилаётган ислохотлар самараси ўларок, бир қатор шифо масканлари қайта тавмирланиб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланди. Эндиликда бу ерда энг сўнгги русумдаги ташхис аппаратлари ёрдамида касалликларни ўз вақтида аниқлаш, ташхислаш ва даволаш имконияти туғилди. Бундан бир неча йил муқаддам вилоят шифохонаси таркибидида болалар хасталиклари бўлими кўп тармоқли тиббиёт марказига айлантирилган, ишлар янада жонлиб кетди.

Президентимизнинг "Соғлиқни сақлаш тизими-ни ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастури-ни амалга оширишни асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармони тизимдаги кенг қамровли ишларга йўл очди. Ҳозир бу ерда қабул диагностика маркази ва маслаҳат поликлиникасидан ташқари чақалоқлар касалликлари, жаррохлик, ортопедия, асаб хасталиклари, жонлантириш сингари бир қатор бўлимлар мавжуд ва уларда 40 нафардан зиёд олий тоифали шифокор, 200 нафардан зиёд ўрта ва кичик тиббиёт ходими меҳнат қилаётди.

Яқинда марказ мутахассислари тўртта гуруҳга бўлинган ҳолда Кармана, Қизилтепа, Конимех, Нурота, Хатирчи туманларида бўлишди. У ерда истиқомат қиладиган болаларни тиббий текширувдан ўтказиб, 3635 нафар ўсмирга тиббий ёрдам кўрсатилди. Эътиборли томони шундаки, тиббиёт тизимида олиб борилаётган ишлар кўламини янада кенгайтирди. Яқинда бу ерда 50 ўринга мўъжалланган био қурилиш фойдаланишга топширилди. Айни пайтда шифохонага ташхис ва даволаш асбоб-ускуналари келтириш мақсадида Германия ҳукумати банконида монанди 610 минг евро миқдорда маблаг ажратилди. Булардан кўзланган мақсад, болаларнинг соғлом ва барқамол улғайишларини таъминлашдир. Зеро, болалар — юрт келажиги. Келажак жонлантириш сингари бир қатор бўлимлар мавжуд ва уларда 40 нафардан зиёд олий тоифали шифокор, 200 нафардан зиёд ўрта ва кичик тиббиёт ходими меҳнат қилаётди.

Яқинда марказ мутахассислари тўртта гуруҳга бўлинган ҳолда Кармана,

## Акушерлик мажмуаси иш бошлади

Сардоба туманида барча қулайликларга эга замонавий акушерлик мажмуаси иш бошлади. Уни капитал реконструкция қилишга 320 миллион сўмлик маблаг сарфланди.

Шунингдек, мажмуа 26 миллион 600 минг сўмлик жиҳоз ва 102 миллион сўмлик тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Эндиликда ушбу шифо маскани ҳудуд аҳолисининг репродуктив саломатлигини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Ш. ХОЛМУРОВОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети жамоаси Уччи аппаратлари конструктсияси ва лойиҳалаш кафедраси профессори Шарофуддин ҒАНИХОНОВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чукур тазия изхор этади.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети жамоаси Сийёсатшунослик, социология ва миллий истиқлол ҳосил кафедраси профессори, тарих фанлари доктори Фахриддин ШАРИПОВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чукур тазия изхор этади.

# ЮКСАК ШАРАФ, МУНОСИБ ЭЪТИРОМ

Президентимизнинг бундай гамўушлигини теран англаш, ўғил-қизлар қалбига она-Ватанга садоқат тўйғулари шакллантиришда ўқитувчининг ўрни беқиёс. Мен кўп йиллардан бери ўқитувчилик қиламан. Лекин ҳеч қачон ўқитувчи-мураббийларнинг бу қадар эъзозланганига гувоҳ бўлмаганман. Мустақиллик иншоотлари — янги замонавий мактаб бинолари, коллеж-лицейларга қараб туриб, гапнинг очиги, қувончдан бошимиз кўкка етади. Беихтиёр, ўзимнинг болалик даврим ва бугунги авлодга яратиб берилган шарт-шароитни таққослаб, мўъжиза-ку булар, дейман ўзимга ўзим. Бахтимни қарангки, истиқлолнинг 19 йиллик шоҳидналарни арафасида мен ҳам Юртбошимизнинг Фармонида бионоан, "Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси" деган нуфузли унвонга мушарраф бўлдим. Бундай беқиёс эъзозга айрилганга гайрат, кучимга куч қўшди. Мақсадим шуки, фарзандларимизни истиқлолнинг муҳташам мактаб биноларини асраб-авайлаш, китобни қадрлаш, чин дилдан илм олишга ундамоқликдир. Зеро, ёш авлодни комил

инсон бўлиб, эл-юрт қорига ярайдиган мутахассислар этиб тарбиялаш биз, ўқитувчи ва мураббийлар учун ҳам қарз, ҳам фарздор... Чорак асрдан зиёда умрини шу соҳага бағишлаган ўқитувчининг самимий сўзларини бежиз келтирмадик. Зеро, фарзанд тарбияси учун ота-она қанчалик масъул экан, бу вазифа ўқитувчи-мураббийларимизни ҳам шунчалик ташвишлантиради. Шу боис Истиқлол йилларида Президентимизнинг юксак эътибори туфайли ўқитувчилик касби кадр топди, шарафланди. Устоз-мураббийларни эъзозлаш тиссолида таълим тизимини ислоҳ қилишга беқиёс эътибор билан қаралаётган бежиз эмас. Ёшлар — Ватан келажиги, улар бизнинг умид ва ишончимиз.

Давлатимиз раҳбари Конституциямиз қабул қилинганинг 17 йиллигига бағишланган маърузада бу ҳақда шундай дедилар: "...биз юртимизнинг эртанги ривож йўлида қандай чуқур ўйланган дастурларни тuzмайлик, бу режаларни бажариш учун қандай моддий база ва имкониятларни яратмайлик, бунинг учун қанча кўп сармоя сафарбар этмайлик, уларнинг барча-

сини амалга оширадиган, рўёбга чиқарадиган қудратли бир омил борки, у ҳам бўлса, юқори малакали иш кучи ва юртимизнинг эртанги кунни, тараққиётни учун масъулиятини ўз зиммасига олишга қодир бўлган етуқ мутахассис ёшларимиз, десанк, ўйламанки, ҳеч қандай хато бўлмайдми". Зеро, ёшлар етуқ кадрлар бўлиб етишсагини, Ватан тараққиети таъминланади. Таълим-тарбияга эътибор ана шундай муҳим зарурат ва эҳтиёж эди. Бу зарурат нақадар долзарб эканлиги Президентимизнинг "2004 — 2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш тўғрисида"ги Фармони ва унинг ижросини таъминлашга оид Вазирилр Маҳкамасининг қарорларида алоҳида қайд этилди.

Юртимиз аҳолисининг 45 фоиздан ортиғини 18 ёшга тўлмаган

2004 — 2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури доирасида жами 8501 умумтаълим мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди, жумладан, 351 янги мактаб бинолари барпо этилди. 2470 та мактаб капитал реконструкция қилинди, 3608 таси капитал, 2072 та мактаб эса жорий таъмирланди. Эътиборлиси шундаки, фойдаланишга топширилган 8501 таълим муассасасидан 6888 таси (81 фоиз) қишлоқларда, 287 таси (3 фоиз) бориш қийин бўлган ҳудудларда, 1326 таси (16 фоиз) эса шаҳарларда жойлашган.

Бу рақамларни келтиришимиз бежиз эмас. Гап шундаки, бугунги шиддат билан ўзгараётган замонада барча давлатларда ҳам ёшларга, уларнинг билим олиши ва келажакига бўлган муносабат бирдай эмас. Қай бир мамлакатда ишсизлик авж олиб, бошқа бир ерда тинчлик деган учук нёзъатга завоёл етмоқда. Табиийки, бундай танг вазиятда ҳар ким ҳам фарзандининг келажиги ҳақида эмас, аввало, уйда тинч этиб туришни ўйлайди. Доно халки-

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт

**Хиндистон пойтахти Дехли шаҳрида бўлиб ўтган енгил атлетика бўйича Гран-при туркумига кирувчи "Осиё юлдузлари" халқаро турнирида кўкчаник Екатерина Тунгусова юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритди.**

## Ҳамюртимиз зафар кучди

Қўқон педагогика институтининг магистратурасида таҳсил олаётган иқтидорли спортчимиз 1500 метр масофага югуришда иккинчи, 5000 метрлик кросс баҳсларида эса учинчи ўринни эгаллади. Е. Тунгусова ҳозир Ўзбекистон терма жамоаси сафида шу йилнинг ноябрь ойида Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтказилаётган навбатдаги Осиё ўйинларига тайёргарлик қўрмоқда.

## С. НАБИЖОНОВ. Шахматчилар беллашув

Россияда ташкил этилган Бутунжаҳон шахмат олимпиадасининг биринчи турини ўзбекистонлик спортчилар галаба билан яқунлади. Мазкур нуфузли мусобақада дунёнинг 144 та мамлакатидан ташриф буорган 148 та эркаклар ва 114 та аёллар жамоаси иштирок этмоқда. Илк босқичда вакилларимиз кичирлик рақибларини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Шахматчиларимиздан Антон Филипов ва Жўрабек Ҳамроқуловнинг Антонис Антониоу ҳамда Полидорос Кассинопоулос устидан зафар қўчиши мазкур натижага эришишда хал қилувчи аҳамият касб этди. Алексей Барсов Костиноси Патрифонос билан, Андрей Квон Парис Клеридос билан дуранга имзо чекди. Аёлларимиз жамоаси эса қатарлик дуноналарига ҳеч қандай имконият қолдирмадилар. Ольга Собирова, Юлдуз Ҳамроқулова, Нодира Нодиржоннова ва Хулкар Тохиржоннованинг муваффақияти 4:0 ҳисобидаги йирик галабани таъминлади. М. САИДОВ тайёрлади.

## «Tashkent Open — 2010»: БАҲСЛАР ҚИЗГИН ПАЛЛАГА КИРДИ

Пойтахтимиздаги Республика Олимпия захиралари теннис мактаби кортларида аёллар теннис уюшмаси — WTA туркумига кирувчи "Tashkent Open — 2010" халқаро турнири қизгин давом этмоқда.



биринчи рақамли теннисчиси Окгул Омонмуродова галаба билан бошлади. У дастлабки учрашувни грециялик Зирина Георгатуға қарши ўтказди. Бир соату ўттиз икки дақиқа давом этган беллашув 6/4, 6/3 ҳисобида ҳамюртимизнинг галабаси билан яқунланди. Окгул кейинги босқичда Жиль Крайбас (АҚШ)ни 7/5, 6/7, 6/2 ҳисобида енгди. Таъкидлаш лозимки, О. Омонмуродова "Tashkent Open"да ўиничи бор иштирок этмоқда. Икки бор му-

собақанинг финал қисмига га етиб борган. Умуман олганда, жорий мавсум иқтидорли теннисчимиз учун омадли келди. У яқинда Цинциннати (АҚШ) шаҳри мезбонлик қилган йирик халқаро турнирнинг учинчи босқичида шов-шувли галабага эришганди. Мукофот жамғармаси 2 миллион АҚШ долларига тенг бўлган хотин-қизлар турнирининг ушбу босқичида ҳамюртимизга дунёнинг иккинчи рақамли теннисчиси сербиялик Елена Янкович рақиб бўлган-

З. ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири. М. АМИН (ЎзА) олган сурат.

## БАРКАМОЛЛИК МАСКАНИ

Бугунги кунда юртимизда болалар спортини ривожлантиришга тобора кўпроқ эътибор қаратилаётганини мамлакатимизнинг барча ҳудудларида қад ростлаган замонавий қиёфадаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, мажмуалари, очик ва ёпиқ сув ҳавзалари, стадионлар нисолида ҳам кўриш мумкин. Улардан бири — Фарғона вилоятининг Бешариқ туманидаги Рапқон болалар ва ўсмирлар спорт мактабидир.

Бу ерда мустақам моддий-техник база мавжуд. Ун тўрт нафар тажрибали мураббий Бешариқ, Фурқат, Ўзбекистон туманларидан келган 1000 нафардан ортиқ ёшларга бокс, волейбол ва бадий гимнастика сирларини ўргатиб келаяпти. Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги байрамида янги спорт мажмуаси қуриб битказилиб, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби иктиёрига топширилиши эса қишлоқ кўркига, қишлоқликлар қувончига

қувонч қўшди. Унинг қад ростлашига "Ахмадали Мажидов Файзи" фермер хўжалигининг ҳиссаси катта бўлди. Шу ўринда тадбиркору фермерларимиз орасида спорт мажмуаларини бунёд этиш ташаббуси билан чиқиб яхши аниёнага айлиниб бораётганини таъкидлаш жоиз.

— Президентимиз раҳнамолигида халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш, ёш авлодни барқамол қилиб воёга етказиш йўлида яратилаётган кенг имкониятлар спортида ҳам ўз мевасини бериб, соғлом турмуш тарзини чуқур қарор топтиришга хизмат қилмоқда, — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси Рустам Мажидов. — Биргина Рапқон болалар ва ўсмирлар спорт мактабини олиб кўрайлик. Илгари ташландиқ бир аҳолида ётган ҳудудда бири-бирдан чиroyли очик ва ёпиқ спорт заллари бунёд этилиши ўғил-қизларимиз орасида спортни оммавий ҳаракатга айлантиришга, иқтидорли спортчилар, қишлоқдан чи-

қан чемпионларни кашф қилишга замин яратди. Бошқача қилиб айтганда, бугун чекка ҳудудда туғилиб ўсган бола қишлоқ шароитида спорт билан шуғулланиб, жаҳон миқёсидаги мусобақаларда қатнашиши, голиб бўлиши олатди холга айланди. Буларнинг барчаси Истиқлол шарофатидан.

Муҳтасар айтганда, юртимизда болалар спортига берилаётган эътибор чекка-чекка қишлоғу овуларимизда ҳам ёш истеъдод ағаларини юзага чиқаришга пойдевор бўлаётди.

С. МАХСУМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## ОБ-ҲАВО (23 сентябрь)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайдми. Кечаси 9-14, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ёгингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 9-14, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

**И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик кузатилмайди. Кечаси 8-13, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайдми. Кечаси 10-15, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ёгингарчилик кутилмайди. Тунда 8-13, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайдми. Ҳарорат тунда 11-13, кундузи 26-28 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунийлик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилр Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 803. 41789 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Ўзловат 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жаобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида тернал ҳақда операторлар Ж. Тоғаяв ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материалы

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» қўчаси, 41, ЎЗА яқуни — 21.10 Тошпирилди — 22.30

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — А. Орпнов.  
Навбатчи муҳаррир — М. Жомихонов.  
Навбатчи — З. Жомихонов.  
Мусаҳҳоҳ — С. Исломов.